

# НУШУҚ

YURIDIK GAZETA

22-may,  
chorshanba

# 22

(233)

May				
D	6	13	20	27
S	7	14	21	28
Ch	1	8	15	22 ✓ 29
P	2	9	16	23 30
J	3	10	17	24 31
Sh	4	11	18	25
Y	5	12	19	26

2002

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

● ХУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ САРИ

## КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАҚОМГА ЭГА ҚОНУН

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида 2002 йил муҳим аҳамият касб этмоқда. «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинган шу йилда ҳам аҳолини, айниқса, кекса ёшдаги фуқароларимизни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш тadbирлари янада кучайтирилди.

Ислохотларни эркинлаштириш йўлида ҳукуратимиз томонидан олиб борилаётган ишлар ўзининг самарасини бера бошлади. Энг муҳими — юртимизда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурмоқда. Бу эса, табиийки, бунёдкорлик ишларини кенг кўламда олиб бориш учун шарт-шароит яратади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидан иборатдир. Қонун чиқарувчи орган — Олий Мажлис ҳамда Президентлик бошқарувининг давлатимиз ҳамда бутун жаҳиятимиз раънақи учун аҳамияти каттадир.

Олий Мажлисининг 7-сессиясида қабул қилинган икки палатали парламентни сайлаш ва Президентнинг конституциявий ваколат муддатини етти йилга ўзгартириш юзасидан умумхалқ референдумини ўтказиш ҳақидаги қарор XXI аср бошида мамлакатимиз ҳаётида юз берган муҳим сиёсий воқеалардан бири бўлиб қолди.

Референдумни ҳаётнинг ўзи тақозо этди. Фуқароларимиз бу муҳим сиёсий тadbирнинг аҳамиятини яхши англаб, келажигимиз учун, Ватанимиз тараққиёти учун унинг нечоғли зарур эканлигини юракдан ҳис эттишти.

Шу боис Мустақиллик демократияси 27-январь куни ўзига хос синовдан ўтди, десак муболага бўлмайди. Зеро референдумда қатнашганларнинг 93,65 фоизи келгусида икки палатали парламент сайлашни ёқлаб овоз бердилар. Референдум иштирокчиларининг 91,78 фоизи президентнинг конституциявий ваколат муддатини етти йилга ўзгартириш тарафдори бўлишди.

Умумхалқ кенгашининг бу овози Олий Мажлисининг 8-сессияси кун тартибига тегишли масалаларнинг киритилишига сабаб бўлди. Натижада «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонуннинг маъно ва моҳияти нимадан иборат? Унга нима сабабдан конституциявий мақом берилди?

Аввало Қонунда демократик ислохотларнинг асосий принциплари белгилаб қўйилди. Улар қуйидагилардан иборат:

— қонун устиворлигини ҳамда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд тармоқлари ўртасидаги мувозанатни, уларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш;

— халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари асосида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларини таъминлаш;

(Давоми 3-бетда.)

### Ушбу сонда

#### ЗАМОНАВИЙ РАҲБАР ВА ЎЗГАРИШЛАР ЖАРАЁНИ

... Бу жараёнинг янада муваффақиятли кечишида раҳбар кадрларни танлаш, тарбиялаш, жой-жойига қўйиш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга.

4-бет

#### КРЕДИТ МАБЛАҒЛАРИ ҚАЙТАРИЛИШИ ШАРТ


... Айрим хўжалик раҳбарлари ишининг кўзини билмаслиги оқибатида кредит маблағларини ўз вақтида қайтара олмади, ташкилотини банкротликка олиб келмоқда. Айримлари эса кредитларни бошқа мақсадда ишлатишяпти.

5-бет

#### ТИНЧЛИКПАРВАР КУЧЛАР НАЗОРАТИДА

... Узоқ йиллик бесамар уруш халққа тинчликнинг кадри нақадар бебаҳо эканлигини намён этди. Афғонистон мавзуси бугун халқаро ҳамжаҳият, оммавий ахборот воситаларидан бир қадар узоқлашган пайтда, мамлакатдаги бундай ички соқинлик ва осойишталик нима ҳисобига бўлапти?

7-бет



Йўллари ойдin ёшлар.

А.ТўРАЕВ олган сурат

### Моҳият

*Дунёда турмоқ учун дунёвий илм ва фан лозимдур. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга поймол бўлур.*

БЕҲБУДИЙ

### ● СЕМИНАР

## ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгаши сессиясида вилоят прокурори Ю.Абдукаримов жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш дастурини депутатлар ҳужима ҳавола қилган эди. Сессиянинг қарори билан ушбу дастур ижро учун қабул қилинган, унда йиғирма саккизта йўналиш бўйича вазифалар ва ижрочилар белгиланган, улардан ўн та йўналиш бевосита ўз-ўзини бошқариш идораларига тааллуқли эди. Яна саккизта йўналишда қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари давлат ва нодавлат идоралари билан ҳамкорликда олиб бориши лозим бўлган тadbирлар белгилаб қўйилган эди. Жойларда жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш борасида муайян ишлар қилина бошланди. Вилоят прокуратураси ташаббуси билан Фарғона политехника институтида қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, нодавлат, жамоат ташкилотлари раҳбарларининг жамоатчилик назоратини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини ўрганишга бағишланган беш кунлик ўқув машғулотлари ўтказилди.

Машғулотларни вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Ю.Абдукаримов олиб борди. Вилоят прокурори ўқув машғулотлари моҳиятини изоҳлаб, жумладан, шундай деди: — Жамоатчилик, жамоат ташкилотлари давлат назорати ваколатларининг бир қисmini ўз зиммасига олапти. Бу ўз-ўзини бошқариш идораларининг мавқеи, масъулияти ошаё-

тганини билдиради. Жамоатчилик назоратини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари бор. Машғулотларнинг моҳияти жамоатчилик назоратини қонуний йўлга йўналтиришдан иборат. Жамоатчилик назоратини ташкил этиш учун тайёр қўлланма йўқ. Вилоят прокуратураси қонуний асосларга таянилган, амалиётдан келиб чиққан ҳолда услубий тавсиялар тайёрлади. Тўғри, иш жараёнида тавсияларни янада бойитиш, шарт-шароитга қараб ўзгартириш мумкин.

Ўқув машғулотларида ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларга белгиланган имтиёзлар, ногиронлар ва пенсионерларга нафақаларни ўз вақтида тўлаш, ерлардан унумли ва оқилона фойдаланиш, ижтимоий ҳимояга оид қонунлар ижросининг аҳоли ва бошқа мавзулардаги маърузалар тингланди.

Мулоқотларда тингловчилар ўтқир муаммолар ҳақида фикр-мулоҳазаларини ўртага ташладилар. Қонунбузилиш ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муросасиз муносабатда бўлиш, уларни бартараф этишда жамоатчиликка таяниш борасидаги ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Йўл-йўриқ ва тавсиялар олдилар. Келгуси машғулотлар режага кўра Қўқон шаҳрида ўтказилади.

И. ИБРОҲИМОВ,  
«Хуқуқ» муҳбири

## Чоршанбадан Чоршанбагача

15 май

Олий Мажлисда парламентнинг Ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитаси ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилган «Ўзбекистон Республикасининг пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси муаммолари» мавзусида конференция бўлиб ўтди.

16 май

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Оқсаройда Япония Халқаро ҳамкорлик банки бошқарувчиси Кёсукэ Шинозавани қабул қилди.

17 май

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»га Қонун матбуотда эълон қилинди.

Президент Ислам Каримов Оқсарой қароргоҳида Туркиянинг «Коч Холдинг» компанияси бош ижрочи директори Булент Ўзойдинлини қабул қилди.

18 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ямоялик археолог олим ва жамоат арбоби Кюбзо Катони «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармони матбуотда эълон қилинди.

**HUQUQ**

YURIDIK GAZETA

**Ta'sischilar:**

O'zbekiston Respublikasi

Bosh prokuraturasi,

Toshkent shahar va

Toshkent viloyati

prokuraturalari,

«Onun himoyasida» jurnali

**Bosh muharrir:****Abduxoliq****ABDURAZZOQOV****Tahrir hay'ati:**

Mels Naimov,

Dilshod Islomov

(Bosh muharrir o'rinbosari),

Jahongir SHAROFBOYEV

(mas'ul kotib),

Lola Shomurodova,

Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot qo'mitasida №0150 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi - 231, 232.

**Manzil:** Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

**Telefon:** 133-82-34.

**Reklama va e'lonlar:**

133-82-34

**E-mail:** huquq@infonet.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytanimaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Gazetada bosilgan fakt va dalillar uchun muallif mas'ul. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Huquq»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar \*\* belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida ofset usulida A-3 formatda chop etildi. Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 3149

Nusxasi — 24,414

Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00

Bosmaxonaga topshirildi 17.00

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi

**Navbatchi muharrir:**

**H. NISHONOV**

**Navbatchi: F. MAMASHARIPOV**

Sotuvda erkin narxda

**1 2 3 4 5 6 7 8**

● 2002 йил — қарияларни қадрлаш йили

## НУРОНИЙЛАР ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

**ЖОРИЙ** йилнинг «Қарияларни қадрлаш йили» деб аталгани муносабати билан Давлат дастури ишлаб чиқилган эди. Шунга асосан «Маҳалла» хайрия жамғармаси, жумладан, унинг Сурхондарё вилоят бўлими томонидан ҳам махсус тadbирлар режаси тайёрланган.

Маъмур режа низоъда ранг-баранг. Унда ҳаётимизнинг турли жабҳалари қамраб олинган. Уларни амалга оширишда бизни кўплаб ташкилот ва муассасалар, қолаверса саховатпеша ҳомийлар кўплаб-қувватлаётгани айни муддао бўлмоқда. Шу ўринда аввало қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими, вилоят халқ таълими ва соғлиқни сақлаш бошқармалари номини мамнуният билан айтиб ўтиш лозим.

Бевосита жамғарманинг вилоят бўлими, туман, шаҳар бўлинмалари томонидан ўзгалар меҳр-мурувватига муҳтож 69 нафар қарияга 236 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 26 мингдан ортиқ нуроний тиббий кўриқдан ўтказилди. Бемор деб топилганларини соғломлаштириш чоралари кўрилди. 45 нафар уруш ва меҳнат фахрийси эса ҳомийлар кўмаги билан «Ҳазорбоғ» санаторийсида дам олдилар.

Ёрдамга муҳтож ёлғиз қариялар алоҳида рўйқатга олиб чиқилди. Ва жойлардаги ҳокимликлар қарори билан шундай тоифадаги кишиларга йилнинг фақат биринчи чорағидagina 8 миллион сўмлик энг зарур озик-овқат маҳсулотлари етказиб берилиши ташкил этилди. Тушакка ётиб қолган кексалар учун алоҳида ҳамширалар ажратилгани ҳам савоб иш бўлди.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда мўътабар отахону

онахонларни маънавий жиҳатдан кўллаб-қувватлашга ҳам катта эътибор берилмаётган. Наврўз байрами, Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тантаналари ва бошқа маданий-спорт тadbирларида мингдан зиёд қариялар иштирок этишди.

Шеробод туманидаги «Ғалаба» маҳалласида истиқомат қилувчи 25 нафар фахрий Бухорои шарифни зиёрат қилиб, тарихий обидаларни томоша қилиб келишди. Термиз туманининг бир гуруҳ нуронийлари учун Самарқанд шаҳрига худди шундай саёҳат уюштирилди.

Ўқув юртларида қарияларни эъозлашга қаратилган кўплаб учрашув ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Оммавий ахборот воситалари орқали ҳар хил қизиқарли чиқишлар қилинаётган. Мисол учун, яқинда вилоят телевидениесида меҳнат фахрийси Берди бобо Тошалев ҳақида хикоя қилинди.

Бу хайрли ишдан ҳиммати баланд тadbиркорлар ҳам четда қолишмаётгани йўқ. Биргина мисол: Термиз тумани «Мангузар» маҳалласида жойлашган «Исомиддин» савдо-ишлаб чиқариш хусусий корхонаси бошлиғи Ш.Мамаатқулов Наврўз байрами арафасида 300 нафар қарияга дастурхон ёзиб, совғалар улашди. Катта ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, кексалар дуосини олди.

Биз яна йил охиригача қарияларни қадрлашга қаратилган яна бир қатор турли тadbирлар ўтказишни ният қилганмиз. Zero, уларга ҳар қанча гамхўрлик қилсак-да, оз.

**Т. МУСТАФОКУЛОВ,**  
«Маҳалла» хайрия жамғармасининг Сурхондарё вилоят бўлими бошқаруви раиси

## КЕКСАЛИК — БЕКОРЧИЛИК ЭМАС

**ТЎҒРИЛИК** ва меҳнатсеварлик ҳамisha инсон қадрини юксакликка кўтариб келган. Бундай ҳислат соҳибларини бамисоли шамга ўхшатиш мумкин. Чунки, шамнинг қисмати ёниб тугагунча нур таратишидир. У бор экан ёруғлик маъжуд.


Умр бўйи тўғрилиққа содиқ қолиш ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Кишининг одамларга тўғри муносабатда бўлиши ва ўзи ҳам бунга амал қилиши унга берилган яхши тарбиянинг маҳсули. Қонун ҳимоячилари орасида ҳам ана шундай пок, ҳалол одамларни кўплаб учратиш мумкин. Уларнинг пурҳикмат мушоҳадлари, ибрат тўла ҳаёт йўллари дилларга беҳисоб орзу-ҳаваслар бахш этади.

Яқинда Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан Самарқанд вилоят ИИБ ходимлари, шаҳар ва туманлар шахсий таркиб вакиллари иштирокида бўлиб ўтган учрашув ана шундай дилбар таассуротларга бой бўлди.

Республика ИИБ йўлнамаси билан таширф буюрган меҳмонлар орасида навуқрон ҳаётини халқ оқсоқчилигини сақлашга бағишлаган истефодаги генераллар Ф.Раҳимов, Т. Абдуллаев, О. Муҳаммадиевлар ҳам бўлиб, улар йиғин аҳлига ўз ҳаёт йўллари ҳақида сўзлаб беришди.

Дўстлик ва савимийлик руҳида ўтган бундай учрашув ёш ходимлар учун ибрат бўлиши шубҳасиз.

**И. БЕРДИЕВ**



Сирдарёлик Рўзиҳон ая Ниёзовани ҳақиқий маънода ҳуқуқшуносларнинг онаси дейиш мумкин. Негаки, у кишининг тўрт нафар ўғлининг барчаси ҳуқуқ-тартибот органларида фаолият кўрсатмоқда.

Суратда: Р.Ниёзова неваралари билан

● ИБРАТ

**АЛИМАШ** Умаровна вилоят прокурори иш хосасининг эшигини тортинибгина очди.

— Мумкинми?

— Келаверинг, Тилевова, — эҳтиром билан жой кўрсатди вилоят прокурори. — Қалай, шаҳар тинчми?

— Раҳмат.

Ҳол-аҳвол сўрашгач, Алимаш опа муддаого киришди:

— Ариза олиб келган эдим...

Қарилликнафақасига ҳужжатларни тайёрлаётган.

Прокурор тажрибали ходимнинг чехрасига бироз синовчан тикиларкан, ярим буйруқ оҳангида ҳулосаларини баён этди.

— Бу гапларга ўрин йўқ. Ёши сиз тенги касб фидойилари ҳамма жойда керак, давлатимиз қарияларга узулқисиз меҳр-мурувват кўрсатиб келаяпти. Биз бунга жавобан тажриба ва шижоатимизни аяб ўтиришимиз керакми?

— Тўғри-ку-я. Лекин мен...

— Ахир, элга нафингиз тегаётганидан фахрлансангиз-чи?

Опа жавоб учун ортиқча бирор сўз топа олмади. Аризасини қўлига

олиб, ўрнидан кўзгалди. Изига қайтаркан, раҳбарнинг таскинлари ва илҳомбахш фикрларини қайта-қайта эслади. Демакки, камтарона меҳнатлари бесамар кетмабди.

Ҳа, қадр кўрсатсанг, қадр топа-сан, дейди доно халқимиз. 30 йилдан ортиқ ҳуқуқ-тартибот идораларида сидқидилдан фаолият кўрсатган Алимаш опа касбига садоқати, ширинсуханлиги билан эл орасида қадру эъзоз топа олган аёллардан. Умрининг 20 йили Зарафшон шаҳар прокуратураси фаолияти билан боғлиқ.

Жонқуяр ходим А.Тилевовага сазийи-ҳаракатлари билан жорий этилган ҳуқуқий-тартибот хосиси маърифат улашаётган энг гавжум масканлардан саналади. Бу ерда қонун ва қарорлар тўпламлари, ахборотномалар, қатор юридик газета-журналлар сонма-сон тахлаб қўйилган. Мутахассислар тили билан айтганда, шаҳар ҳудудида жиноят ва қонунбузарликларнинг кам-яма боришида ҳуқуқий-тартибот фаолиятининг ҳам ўрни катта бўлаётган.

— Шаҳардаги корхона ва таш-

килотларнинг юристлари, иш юри-тувчилари тез-тез ҳузуримга келиб туришади, — дейди фахр билан шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия кичик маслаҳатчиси Алимаш Тилевова биз билан суҳбатда. — Айниқса мактаб, лицей ва коллежларда ўтказилаётган ҳуқуқий билимлар билан боғлиқ учрашувлар ёшларимизнинг ҳуқуқий онгини оширишда анча қўл келаяпти.

Алимаш опа оилада ҳам тангри ёрлақанга аёллардан саналади. У киши турмуш ўртоғи Исо ака Сақтаганов билан уч нафар фарзандни вояга етказди. Уларнинг барчаси бугунги кунда ўз мутахассислиги бўйича меҳнат қилиб, эл ишончини қозона олишган. Келинлару ширин-шакар набиралар йўқлаб келишганда, барчаннинг қанчалар қувоншини тасаввур қиларсиз.

Ўз ўрнида биз ҳам ташвишлардан ҳаловат излаб ишлага ўрганган опага узок умр, битмас-туганмас бахту иқбол тилаб қоламиз.

**Мансур АЛОВУДИНОВ,**  
«Ҳуқуқ» мухбири

● ТАДБИР

## КЕНГАШ ЙИГИЛИШИ

Сурхондарё вилоят прокуратурасида воҳодаги назорат органлари идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят прокуратура органлари, ҳокимлик ва бошқа назорат идораларининг масъул раҳбарлари иштирок этишди.

Йиғилишда «Қарияларни қадрлаш йили» Давлат дастури ва ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган тadbирлар ижроси муҳокама этилди. Маъмур масала юзасидан вилоят прокурорининг 1-ўринбосари Ф.Бойзоқов маъруза қилди.

**К.ЖўРАНАЗАРОВ,**  
«Ҳуқуқ» мухбири

● ХУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ САРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)  
— нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотларини янада ривожлантириш;  
— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳар томонлама мустақамлаш ва давлат ҳокимияти марказий органларининг ваколатларини жойлардаги бошқарув органларига ўтказиш, ижро этувчи ҳокимият органлари, шу жумладан, мудофаа ва хавфсизликни таъминловчи тузилмалар фаолияти устидан жамоат назорати механизмини шакллантириш.

Ушбу Қонун республика Президенти сайлови ва Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайловларни ўтказиш мuddатларини ҳам белгилаб берди.

Қонуннинг 3-моддасида сайловлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига 2004 йилнинг декабрь ойида, Президент сайловлари эса 2007 йилнинг декабрь ойида ўтказилиши белгилаб қўйилди.

Шуниси эътиборга моликки, давлат тузилиши қандайлигидан қатъи назар, дунёдаги 70 га яқин демократик мамлакатларда қонун чиқарувчи органлар икки палаталidir. Икки палатали парламентлар жажоннинг ҳамма йирик мамлакатларида, шу жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Италия, Франция, Японияда фаолият кўрсатиб келмокда.

Эндиликда бизда ҳам Олий Мажлис икки палатадан иборат бўлади. Унинг юқори палатаси — Сенат, қуйи палатаси эса — Қонунчилик палатаси деб аталади. Иккала палата депутатларининг ваколат мuddати 5 йил бўлади. Уларга 25 ёшга тулган ҳамда республика ҳудудида камиди 5 йил муқим яшаган Ўзбекистон фуқаролари сайланиши мумкин.

Қонунчилик палатаси сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган 120 нафар депутатдан иборат бўлади. Улар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Мазакур палата фақат доимий асосда ишлайдиган, бевосита сайловчиларнинг манфаатларини ифода этувчи профессионал депутат-

# КОНСТИТУЦИЈАВИЙ МАҚОМГА ЭГА ҚОНУН

лардан таркиб топади. Шунинг учун ҳам уларнинг ўз вазифалари ҳамда илмий, педагогик ва ижодий ишлардан ташқари, бошқа турдаги ҳақ тўланадиган фаолият билан шугулланиши мумкин эмас.

Сенат эса, энг аввало, ҳудудларнинг манфаатларини ифода этади ва 100 нафар сенаторлардан иборат бўлади. Шунга кўра, бу палата Қорақалпоғистон Республикаси, ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳридан олти кишидан — тенг миқдорда вакиллардан иборат бўлади. Сенат аъзолари давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли кўшма мажлисларида ана шу вакиллик органлари депутатлари орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Қонундаги муқим янгилик яна шундан иборатки, Сенатнинг 16 нафар аъзоси фан, санъат, ишлаб чиқариш ва бош-қа соҳаларда катта тажрибага эга бўлган ва алоҳида хизмат кўрсатган фуқаролар орасидан Президентимиз томонидан тайинланади.

Сенат фаолияти вақти-вақти билан чақириладиган мажлислар билан боғлиқ бўлади. Қонун депутатлик фаолиятига оид айрим чеклашларни ҳам назарда тутди. Масалан, бир шахс айни пайтда ҳам қуйи, ҳам юқори палатага аъзо бўлиши мумкин эмас. Агар қуйи палатада қонун лойиҳалари тайёрланса ва қабул қилинса, юқори палата уларни ўрганиб, шундан сўнггина тасдиқлайди.

Натижада икки палатали парламент ҳуқуқий давлат барпо этишининг, демократия ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг ишонч-

ли кафолатига айланади.

Парламентнинг ўзгарishi ўз навбатида мамлакат Президентининг ҳуқуқий мақомини ҳам шунга яраша ўзгартириши тақозо этмокда. Ҳокимият тизимларининг мувозанатини сақлаб қолиш ва уларнинг ишини самарали мувофиқлаштириб бориш учун Президентнинг конституциявий ваколат мuddати беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартирилди.

Маълумки, бир қатор мамлакатларда, жумладан, Италия, Исроил, Туркия ва араб мамлакатларида президент етти йил мuddатга, Австрия, Мексика ва бошқа давлатларда — олти йилга сайланади. Бизга қўшни давлатлар-Қозоғистон ва Тожикистон ҳам шундай амалиётни кўлаб, ўз президентларининг ваколатларини мuddатини етти йил қилиб ўзгартиришган. Бу масала мамлакатда тинчлик ва товуликнинг ҳукм суришига, ижтимоий ҳаётнинг барқарор ривожланишига бевосита дахлдордир.

«Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Қонунга конституциявий мақом берилишининг боиси шундаки, жуда кўп қонунларимиз эндиликда унга мувофиқ бўлиши керак. Конституциямизга ҳам тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилади, албатта.

Президентимиз Ислоҳ Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номили асарига демократик давлат ва фуқаролик жамияти ҳақида фикр юритар экан, шундай ёзади:

«Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камиди учта мезон бор. Булар — ҳақнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлиги, ҳуқуқат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши ва оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир».

Демократиянинг ҳам асл моҳияти шундадир. Демократия бу фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариши учун кенг имконият яратиш демақдир. Конституциямизда Ўзбекистон суверен демократик республика, давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи — халқ экани алоҳида таъкидланади. Давлат ўз сиёсатини халқ манфаатларидан келиб чиққан ҳолда юритади.

Гап демократия ҳақида борар экан, қадимги юнон файласуфи Гераклитнинг қонунларни «халқнинг таянчи» деганини эслаш ўринлидир. Француз ёзувчиси Бальзак уларни «мамлакат ақли» деб ҳисоблаган бўлса, инглиз шоири Жонсон қонунларни «доноликнинг юксак ифодаси», деб билган.

Ҳақиқатда, ҳар бир қонуннинг яратилиши орқасида катта меҳнат ётади ва у муайян мақсадларни кўзлайди. Шу маънода, ушбу қонун жамиятимизни демократия сари етакловчи муқим омилларидан бири бўлиб қолишига ишончимиз қомил.

**М.ШОДМОНОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Бош**  
**прокуратураси ташкилий-назорат**  
**ва таҳлилот бошқармаси**  
**бошлигининг ўринбосари,**  
**адлия маслаҳатчиси**

● ҲАМКОРЛИК

## АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗГА БАҒИШЛАНДИ

Ҳуқуқий-демократик давлат қураб эканмиз, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси хоҳ ишчи, хоҳ ўқувчи, хоҳ олим бўлишдан қатъий назар, нафақат ҳуқуқий билимли ва маданиятли, балки шу билимларни ҳаётга тадбиқ қила билиши керак. Шунинг учун ҳам Асадулла Хўжаев номили тасвирий санъат билим юртида ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга катта эътибор берилмокда. Конституция ва ҳуқуқ дарсларини юқори савияда ўтилиши билан бирга, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир бошқа турли тадбирлар ҳам ўтказилляпти.

Куни кеча билим юрти ёшлар кўмитаси томонидан Конституцияга бағишланган «Қувноқлар ва зукколар» танлови бўлиб ўтди. Танловда биринчи босқич гуруҳлари қатнашди. Қомусимизни яхши билган, зукко ва қувноқ ёшлар орасидан 35-гуруҳ ўқувчилари голиб бўлди. Фалиблар билим юрти маъмурияти томонидан тақдирландилар. 35-гуруҳ ўқувчилари қадимий ва навқирон шаҳарларимиздан бири бўлган Самарқандни бепоул зиёрат қилиб келишди.

Яқинда шундай тадбирлардан яна бири ўтказилди. Бунда Республика Бош прокуратурасининг ҳуқуқ-тарғиботи ва қонунларни муҳасамлаштириш бўлими бошлиғи С. Ортиқова билан учрашув бўлиб ўтди. У киши ўқувчиларга ҳозирги пайтда энг долзарб бўлган мавзуларда: ёшлар ўртасида бўлаётган тартиббузарликлар, асримизнинг вабоси бўлган ОИТС ва гиёҳвандлик, терроризм, ёшларнинг нима учун турли оқимларга кириб кетаётганликлари сабаблари ҳақида гапириб берди. Учрашув ўзaro савол-жавоб руҳида қизгин ўтди. Ҳуқуқчи ва ўқувчилар маъруза юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**З.ИБРАГИМОВА,**  
ўқитувчи

● КЕНГАШ

## ҲАРБИЙ ИНТИЗОМНИ МУСТАҲҚАМЛАШ ЙЎЛИДА

Кеча ИИБ Ички қўшинлари мажлислар залида жанговор шайлиқни янада мустаҳкамлаш ва ҳарбий интизомни кучайтириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда ИИБ Ички қўшинлари, Республика Ҳарбий прокуратураси раҳбарияти, ҳарбий қўшимчалари ҳамда тарбиявий ишлар учун масъул офицерлар иштирок этди.

Қун тартибидеги масалалар юзасидан ИИБ Ички қўшинлари кўмондони Ж.Фозилов ва Республика Ҳарбий прокурорининг биринчи ўринбосари Ш.Узоқовларнинг маърузалари тингланди.

Йиғилишда ҳарбий қўшимча ва муассасаларда ҳарбий интизом ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашда сезиларли ижобий натижаларга эришилгани қайд этилди. Айни вақтда, бир қатор ҳарбий қўшимча ва муассасаларнинг раҳбарлари ва тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлар томонидан йўл қўйилган камчиликлар танқид қилиниб, уларни бартараф қилиш борасида аниқ тавсиялар берилди.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Ҳарбий прокуратурасининг**  
**матбуот гуруҳи**

## ПРОКУРАТУРА ФАОЛИЯТИДАН

Яқинда Гулистон шаҳар прокуратураси томонидан воёга етмаганлар ва ёшлар орасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилган ишларнинг ахволи ўрганиб чиқилди.

— Жорий йилнинг ўтган тўрт ойи давомида шаҳар прокуратураси томонидан воёга етмаганларга доир қонунлар ижроси юзасидан 10 дан ортиқ текширишлар ўтказилди, — дейди Гулистон шаҳар прокурори, адлия маслаҳатчиси Турғунбой Сағатов. — Ушбу текширишлар давомида бир қатор қонунбузилиш ҳоллари аниқланди ва уларни бартараф этишни таъминлаш учун тегишли прокурорлик таъсир чоралари кўрилди.

Сир эмаски, бекорчилик, ота-оналар назоратидан четда қолиш жиноят кўчасига етақлайди. Шу сабабдан, ана шундай ўсимирларни аниқлаш ҳам эътибордан четда қолмади ва ҳисобот даври мобайнида кўча-кўйда дайдиб юрган 64 нафар воёга етмаган аниқланиб, воёга етмаганларни қабул қилиш - тақсимлаш муассасасига жойлаштирилди.

Бундан кейин ҳам воёга етмаганларга оид қонунлар ижросини текшириш ва бу борда амалга оширилаётган ишларни назорат қилиш фаолиятимизнинг ажралмас қисми бўлиб қолаверали.

Суратда: Т.Сағатов ва шаҳар ИИБ бошлиғи А.Бойқуловлар талаба-ёшлар даврасида.  
Ф.ТОШМАТОВ оҳан сурат



**● БУГУННИНГ ГАПИ**

**МАМЛАКАТИМИЗДА** янгилиниш ва ўзгаришлар жараёни янги даврга кирди. Бу жараённинг янада муваффақиятли кечишида раҳбар кадрларни танлаш, тарбиялаш, жой-жойига қўйиш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга даврнинг ўзи раҳбар кадрларга нисбатан бир қатор талабларни қўймоқда. Ҳўш, булар нималарда кўринади?

**Раҳбарликка мослик.** Бизга яхши маълумки, қўйинчиликларни енгишга йўл топиш мураккаб вазифа. Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш, энг аввало, раҳбарларнинг ҳаётий мақсади бўлмоғи лозим.

## ЗАМОНАВИЙ РАҲБАР ВА ЎЗГАРИШЛАР ЖАРАЁНИ

Президентимиз Ислам Каримов бу ҳақда ўзининг «Биздан озод ва обод Ватан қўлини» номли китобида шундай фикр юритади: «Раҳбарлик қўбиллиги ҳам, менинг фикримча, одамзотга Аллоҳ талоо берадиган ноёб бир инъомдир. Бинобарин, раҳбар шахс ана шу юксак талаб ва мезонларга муносиб бўлиши зарур».

Раҳбар бўлиш учун киши биринчи навбатда кураши, соғлом фикрли, иймонли бутун бўлиши керак. Бошқарувчи бугунги ислохотларга ўзи ишонмаса, уларнинг оқибатларини тасаввур қила олмаса, бошқарларни бунга ишонтириши мушкул.

Кейинги асосий талаб масъулиятли бўлишдир. Амалга оширилаётган ислохотлар, авваламбор, раҳбарлар учун жуда муҳим масалага айланиши зарур. Ислохотларнинг қай даражада амалга ошиши раҳбарларнинг масъулиятга, адолат билан иш юритиши, тадбиркор ва ташаббускор бўлишига боғлиқдир.

Раҳбарлик мансаб эмас, аввало, одамларга хизмат қилиш масъулияти эканини барча тўғри тушуниб олмоғи зарур. Раҳбар ҳаммадан кўпроқ ишлаб, фуқаролар соадати ва юрт равнақи учун елиб юғрадиган фидойи инсон бўлиши керак.

**Ишонч билан яшаш.** Бу ҳақда Президентимиз шундай фикр билдиради: «Биз ҳеч кимни мажбуран раҳбарликка қўётганимиз йўқ. Агарки қайси раҳбарга шу сийosat маъқул бўлмаса, мардона келиб, «энди бу талаблар жуда кучайиб кетди, мени ўз ҳолимга қўйинг-лар, мен бу лавозимга лойиқ эмасман», деб айтиш лозим эмасми?! Мен ўтган иш давримда бундай мард кишиларни жуда кам кўрганман. Афсуски, айрим раҳбарларимиз айтаётган гапларига, юритаётган сийosatларига ўзлари ишонмайди». Иродаси суст бундай раҳбарларнинг хатти-ҳаракатларига қатъият билан, муносиб баҳо бериш зарур.

**Садокатли бўлиш.** Албатта, бозор иқтисодийётига ўтиш йўли мураккаб, анқ бир таянч нуқтасини топиш қийин. Айрим раҳбарлар орасида иккилик, бекарорлик, қаршиида бирон-бир тўсиқ, жиддий синов пайдо бўлганда ўзини буткул йўқотиб қўйиш ҳолатлари сезилмоқда. Инсон аввало оиласига, халқига, Ватанига садокатли, вафодор бўлиши зарур. Ватанимиз заминда бугунги кунда бозор муносабатларини жорий этиш бўйича зарур қонунлар ва меъёрий ҳуж-

жатлар яратилди. Лекин, нега улар ҳаётда тўлиқ амал қилмаяпти, деган ҳақиқат савол тугилади.

Қўп маротаба таъкидланганидек, энг заиф жойимиз ижрочиларнинг ўрта бўғини, корхона ва ҳўжалик раҳбарларидир. Уларнинг аксарияти ҳамон эски тасаввур билан яшамоқда. Фондлар, ҳар хил жамиятлардан имтиёзли кредитлар ундиришга асосланган боқимандалик кайфиятидан ҳалос бўла олмаётдилар. Бундай кайфиятдан қутулмас эканлар, амалга оширилаётган барча хайрли ишлар, ташаббуслар охирига етказилмай қолавереди.

**Сўз билан иш бирлиги.** Бу масалада ишлаб чиқилган тадбирлар илк самарасини бермоқда. Лекин ишлаб чиқилган дастурларни ҳаётга татбиқ қилишда айрим раҳбар ва ҳодимлар-

тадбиркорлик фаолиятининг ҳўқуқий асосланшини тақозо этади. Аммо бугунги қийинчиликлардан фойдаланиб, қўнунга зид равишда халқ ҳўсобиға бойлик орттираётганлар ҳам борки, улар жамият равнақи учун жиддий тўсиқ бўлмоқда. Давлатимиз бундай шахс ва ҳолатларга қарши муросасиз кураш олиб бораёпти. Бу мавсумий бир иш эмас, балки изчил қатъий сийosatдир. Борди-ю бундай ишларга раҳбар шахслар аралашиб қолган бўлса, таъкидланаётганидек, сўров ҳам, жазо ҳам шунга яраша қаттиқ бўлади.

**Халқ назаридан қолмаслик.** Тажрибадан маълумки, халқни алдаб бўлмайди. Қинғир одамнинг қилигини ҳамма билади. Халқ ҳаммаша ўз дастурхонига, туриш-турмушига қараб раҳбарнинг ишига баҳо беради.

нинг ислохотларга муносабати ва масъулияти, иш бажариш интизоми талаб даражасида эмас. Президентимиз Ислам Каримов таъбири билан айтганда, минбарларда, мажлисларда сўзга чиқиб, ислохотларни мақташ, баланларвоз ваъдаларни бериш каби юкумли касалликдан, ҳўжақўрсинга вайсалдан, расмиятчиликдан тезроқ қутулиш керак. Бундай ҳолатнинг чўзилиши, аввало, ислохотнинг ўзига, аҳамиятига ва обрўйига доғ тушириши, охир оқибатда эса, одамларимизнинг ислохотлардан илхоси қайтишига сабабчи бўлиши мумкин.

**Раҳбар ва унинг атрофи.** Президент Ислам Каримов шундай фикр юритади: «Ҳаётий таъриба шуни кўрсатадики, инсофли, янгиликка интилувчи, кўчли раҳбар атрофида соғлом фикрловчи, изланувчан тадбиркор ва ишбилармон кишилар кўпаяди. Қарабсизки, бундай иш қайнаб турган жойда муҳит ҳам соғлом, одамларнинг кайфияти ҳам яхши. Муҳит қерда носоғлом? Бу саволга анқ жавоб бериш мумкин. Қўлидан иш келмайди, манманликка берилган, гўдайган, атрофидагиларни менсимайдиган, уруғчилик, маҳаллийчиликни авж олдириган, аввало ўз манфаатини кўзлайдиган раҳбар шундай носоғлом аҳволга, жанжал-тўполон, қарама-қаршилик ва адоватга тўла муҳитга сабаб бўлади».

Маълумки, халқимизда «Бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун берака кетади», деган нақл бор. Муҳити носоғлом ҳўжалик ва туманларда ҳақиқатан ҳам, файзу барака, омад йўқолади. Аксинча, аҳиллик, ҳамжиҳатлик барқарор бўлган жойда иш ҳам ўнгидан келиб, тезроқ юришиб кетади.

**Расмиятчиликка берилмаслик.** Расмиятчилик — бу ишга юзакни қараш. Баъзи раҳбарлар қанча корхона давлат тасарруфидан чиқарилганини, қанчаси ҳўсдорлик жамиятларига айлантирилганини адшмасдан айтиб бера оладилар, қанча кичик ва хўсусий корхоналар ташкил этилганини тўғрисидаги рақамларни келтиридилар. Бироқ нима учун айрим хўсусийлаштирилган корхоналарда ўзгаришлар етарли самара бермаяпти, нима учун ҳўсдорлар ҳозиргача ўзларини мулкнинг тўлақонли эгаси, мулкдорлар деб ҳис қилмаяпти, деган саволларга жавоб берадиган одамни топиш қийин.

**Қонунчиликка қатъий риоя этиш.** Бозор иқтисодийётига ўтиш жараёни-

Инсон самарали ишлаши учун, аввало, хотиржам яшаш керак. Энг муҳими, одамлар танлаган йўлимизнинг тўғри ва ҳаққоний эканига бугунги кунда тўла ишонч ҳўсил қилмоқдалар. Бу энг катта ютуқдир. Иккинчидан, одамлар тафаккурда ўзгаришлар жуда сезиларли. Бу — тараққийотимиз гарови, катта имкониятдир. Энди ҳамма гап ана шу имкониятдан фойдаланишда қолмоқда.

**Билим олиш ва ўрганиш.** Бугунги кун талабларига жавоб бериш учун раҳбар ўз билим ва малакасини ошириши, замонавий тахрибаларни кўнун билан ўрганиши, изланиши ва бу йўлда ўзини аямаслиги лозим. Албатта, тайёр раҳбар ва мутахассисларни топиш қийин. Аслида бу — мураккаб масала. Агар раҳбар эгаллаган лавозимига мос бўлса, ўша жойда халқ ўз ҳўмосини топади. Лекин, айрим раҳбарларимиз эски тизимнинг қотиб қолган услуб ва асоратларидан ҳалос бўлмаяпти. Қимдир юқоридан келиб уларга ҳамма шарт-шароитларни ташкил қилишига умид боғлаб, ўз масъулиятини сезмасдан ўтирган раҳбарларни учратиш жуда ачинарлидир.

**Қадрларни танлаш ва тайёрлаш.** Бугунги кунда ҳар бир бошқарув бўғинида ўз касбининг устаси бўлган ғайратли кишиларнинг фаолият кўрсатиши катта аҳамиятга эга.

Қадрлар тизимини билимли ва истеъоддоли ёшлар ҳўсобиға тўлдириб, лавозимларни тадбиркор ва янгиликни тез илғайдиган инсонларга бериш ҳамма вақт янгилинишларнинг асосий мезони ҳўсбланади. Республикада бундай ёшлар етарли, уларга ишонил ва суаниш лозим. Қолаверса, раҳбар қадрлар доимо жамоатчилик назоратида бўлишлари керак.

Президентимиз таъкидлаганидек, биз демократик янгилиниш йўлида машаққатлар вазиваға қўлга киритган ютуқларимиз аввало юртимиз ва унинг келажаги учундир. Раҳбар инсонлар ана шу машаққатларни тортишда барчага ўрناк бўлишлари халқнинг миннатдорчилиги ва ҳурматиини қозонишга олиб келади ва бу ўз навбатида ислохотларни янада чўқурлаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Х.СУВОНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳўзуридаги Давлат ва  
жамият қурилиши академияси  
тингловчиси

**● ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ**

## ЗИЁРАТ ИМТИЁЗИНИ ПУЛЛАГАН «САҲОВАТПЕША»

**АЛЛОҲГА** имон келтирган мўмин-муслмон борки, ҳаж сафарига боришни орзу қилади. Имон-этиқод, тоат-ибодат, қай соҳада бўлмасин, ҳалол меҳнат бу ораунинг рўёбға чиқишига имкон яратади. Фақат заҳмат, машаққат чекиб муқаддас Каъбатуллоҳни таваддиқ қилган мўминнинг дилигина офтоб янглир мунаввар бўлиб, зиёрати қабул қилинади. Ҳаж ва умра амалига заррача нопоклик аралашса, барча ҳаракат бесамар кетади. Дини исломдан бохабар ва билимдон Отабек Шодиев бу шартларни бошқалардан кўра яхшироқ биларди. Шу боис Фарғона вилояти ҳокимияти жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича бош мутахассис лавозимига, ҳаж зиёратини ташкил қилиш ва ўтказиш вилоят комиссияси аъзоллигиға муносиб топилиганди. Аллоҳ амалларни адо этишда ибрат кўрсатиш, ҳажга отланган мўминларға сафар йўл-йўриқларини ўргатиш унинг вазифаси эди.

Ҳўкуматимиз ҳаж зиёратига отланган мўмин-муслмонларға барча қўлайликларни муҳайё этмоқда. Шаҳар ва туманлардан сафарға чиқаётган мўмин-муслмонларға гуруҳ раҳбарлари тайинланади. Масжидларнинг имом-хатиблари, уламолардан тайинланадиган гуруҳ раҳбарлари Макка ва Мадинада бўлажак ҳўжиларнинг меҳмонхоналарға жойлаштириш, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишлари ва бошқа ишларни ташкиллаштиришни зиммаларига оладилар. Шу сабаб уларға ҳаж сафарига бепул бориб-келиш имтиёзи бериллади. Уларнинг сафар харажатлари давлат томонидан қопланади.

2002 йили ҳаж сафарига отланган фарғоналик зиёратчилар орасидан ушбу масъулиятли лавозимға 26 кишининг номзоди кўрсатилганди. Улар орасида Риштон тумани Бўжай қишлоғи масжидининг имом-хатиби Маҳмуднаби Орипов ҳам бор эди.

Ҳаж зиёратини ташкил қилиш вилоят комиссиясининг аъзоси, бош мутахассис Отабек Шодиев имом-хатиб билан яккама-якка суҳбат чоғида ўзининг «мурувватини» пеш қилди:

— Сизни ҳам рўйхатға қўшдим. Ўзингиз биласиз, агар танловдан ўтказиб, тасдиқлатолсам, бир миллион етти юз минг сўм сарфламасдан, текинға бориб келасиз. Лекин номзодингизни ўтказишнинг озгина чиқими бор...

Отабекнинг таъмағирлиги имом-хатибининг кўнглига қаттиқ ботди. «Ҳеч нарса дини исломни очкўзлик бузганчалик буза олмайди», деб ҳадисда ёзилгани бежиз эмас экан. Барча мўмин-муслмонларға ибрат бўладиган ишдаги одам таъмағирлик қилиб турса... Имом-хатиб гални узокдан бошлаб, Отабекка таъсир ўтказмоқчи бўлди. — Э, ака, сиз учун жон қўйдирирман! Сизни гапға тушунади, десам...

Имом-хатиб ҳаммасини «тушунди».

Унинг номзоди ўтиш-ўтмаслиги Отабекнинг ваколат доирасида эмас, бироқ номзоди ўтиб тасдиқланса, таъмағир буни ўзининг хизмати қилиб кўрсатиш ва шу йўл билан «хизмат ҳаққини» ундиришини ўйлаб қўйганди. «Пора олганга ҳам, пора берганга ҳам, ўртада турганга ҳам Аллоҳнинг лаънати бўлсин», деган баъзан унутган бош мутахассис гуноҳи азимға қўл ураётганини ўзича хаспўшлаган уринарди. «Менга озгина хизмат ҳақи бериб, салкам бир миллион сўм тежаса зиён кўрармиди? Гуруҳ раҳбари бўлай деб атрофимда парвона бўлаётганлар қанча? Яхшилигимни билмаса, ўзига қўйин!»

Номзодлар тасдиқланган рўйхат қўлига теккан заҳоти Отабек Муҳаммаднабини йўқлатди. Рўйхатда у ҳам бор эди.

— Уч юз доллар ва элик минг сўм берангиз тасдиқдан ўтасиз, хоҳламасангиз, ўтаман деганлар сероб!

Имом-хатиб гуноҳға шерик бўлишни истамади. Зотан, Муҳаммад алайҳиссалом «Пора берган ҳам, пора олган ҳам дўзахға тушади», деб огоҳлантирган. Отабек Шодиев имом-хатибдан «хизмат ҳаққини» олаётган чоғида, жиноят устида қўлга олинди. У моддий томондан ночор эмасди. Топиш-тутиши, иши, обрў-эътибори ўзига яраша эди. Ўқигану ўқмаганлиги, маънавий қашшоқлиги, кўнглининг очлиги ўзининг бошиға тўқмоқ бўлиб тушди. Содир этган жинояти учун тегишли жазосини олди.

Вилоятимиздан ўн бир нафар мўмин-муслмонлар ҳажға гуруҳ раҳбари лавозимида бепул бориб келдилар. Одатда имтиёз эзгу мақсадини кўзлайди. Бироқ қандай бўлмасин ушбу имтиёздан нопоқ мақсадда фойдаланиб қолишға иштиқмандлар уни бозорга сола бошласалар, эзгулик ўрнида ёвузлик тугилади. Ҳўжиликка талабдорлар бундай нопоқ ишлар билан номларига доғ туширмаслиги лозим.

**Нўрмонон ТўХЛИЕВ,**  
Фарғона вилояти прокуратурасининг алоҳида  
муҳим ишлар бўйича терговчиси

● ТАШАБУС

## ЁШ КЕЛСА — ИШГА...

Аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, янги иш ўринларини жорий қилиш бугунги кунда ечимини топиш зарур бўлган энг долзарб масалалардан биридир. Чунки, ишсизлик, бекорчилик турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар келиб чиқишининг асосий сабабларидан ҳисобланади. Бунинг олдини олиш, хоҳловчиларни иш билан таъминлаш борасида Хонқа тумани прокуратураси ва меҳнат бўлими ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаларини ўтказиш аънамага айлана бормоқда. Жумладан, ўтган йилнинг ўзида шундай ярмарка ўтказилиб, 130 нафардан ортиқ киши ишга жойлаштирилган эди.

2002 йилнинг 27 март кунини туғдиришдаги «Пахта тозалаш» очик турдаги акциядорлик жамиятининг маданият саройида катта меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Мазкур ярмаркада 60 дан ортиқ турли корхона, муассаса ва ташкилотлар ўзларининг 227 та доимий ва вақтинчалик иш ўринлари билан қатнашдилар. Туманимиз вилоят маркази Урганч шаҳрига яқинлиги сабабли Урганч шаҳрида жойлашган турли идораларнинг 96 та иш ўринлари ҳам ярмаркага қўйилди.

Ярмаркада 82 нафар киши доимий, 117 нафар киши эса вақтинчалик ишга қабул қилинди. Бундан ташқари, 15 киши касб-корга қайта ўқитишга жалб қилиниб, 10 нафар кишига ишсизлик нафақаси тайинланди.

Ш.АБДАЛНИЯЗОВ,  
Хонқа тумани прокурори

Бугунги тараққиётни автотранспортсиз тасаввур қилиш қийин. Мамлакатимизда юкларни ўз манзилига етказишда, йўловчиларга хизмат кўрсатишда мустақилликдан сўнг катта ютуқларга эришилди. Энди собиқ Иттифоқ давридан қолган эски автомашиналар ўрнини ўзимизда ишлаб чиқарилган турли «Дамас», «Нексия», «Матиз», «Тико»лар эгалламоқда. Албатта бу автомашиналарни кўрган ҳар бир юртдошимизнинг қалбига фахр туйғуси пайдо бўлиши табиий.

Автомашина рулига ўтирган яхши ниятли ҳайдовчи одамларнинг узогини яқин қилади, ҳожатини чиқаради. Айрим баднафс ҳайдовчилар эса юртимиз бойликларини ноқонуний йўллар билан ўзга элларга ташиб, бойлик орттироқчи бўлишади.

Майдон жиҳатидан Қорақалпоғистон мамлакатимизда жуда катта ҳудудни эгаллайди. Унда 9942,9 км узунликда автомобил йўллари мавжуд. Шундан 254 км. йўл халқаро аҳамиятга, 2346 км. йўл эса республика аҳамиятига эга.

Ҳар бир йўл назорати хизмати ходими зиммасига 92,1 километр йўлни назорат қилиш тўғри келади. Бу рақамлар ходимларимиз зиммасидаги масъулиятнинг нақадар катталигидан далолат беради. Ҳар кун йўлларимизда минглаб автотранспорт воситалари ҳаракат қилади. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун барча амалий тадбирлар кўрилмақда.

Таҷрибадан маълумки, кадрлар масаласи хал қилувчи аҳамиятга эгадир. Ҳар бир ДАН ходими касб маҳоратини табора ошириши ҳаётини эҳтиёжга айланмоқда. Сафларимиз ўз касбига садоқатли ёшлар билан тўлдирилмоқда.

Йўллар элларни эллар билан, дилларни диллар билан боғлайди. Афсуски, баъзи бир кимсалар ҳолис ният билан йўлга чиқмайдилар. Республикада 42 марта «Тутиб олиш» операциеси ўтказилиб, 13 автотранспорт воситасини олиб қочган шахс

● ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН!

# ЙЎЛИНГИЗГА ОМОН ҚАЙТИНГ!



тутилди. Уғирланган 11 та автомашина ҳам ходимларимиз саъй-ҳаракатлари туфайли топилди.

Тезкор ва аниқ ҳаракатлар туфайли 462 грамм героин йўлдан ўтаётган автотранспорт эгаларидан тортиб олинди. Ходимларимиз иштирокида 2 ой давомида 52 та жиноят очилди. Беруний тумани ИИБ йўл назорати хизмати кинолог-инспектори, милиция кичик сержанти К.Томашев ўргатилган ит ёрдамида фуқаро О.Рейи-мовнинг уйида тинтув ўтказганида, 116 грамм героин гиёҳвандлик моддаси борлиги аниқланди.

Хизматимизнинг яна бир эътиборли томони шундаки, биз ҳудудимиздан ноқонуний равишда четга олиб кетилаётган моддий бойликларни ушлаб қолаёلمиз. Бултур шундай ҳодисалар 81 марта рўй берди ва 66 миллион 177 минг 606 сўмлик моддий бойлигимиз давлатга топширилди.

Сафарга чиқаётган одамга одатда оқ йўл тайилдилар. Аммо юз бераётган йўл-транспорт ҳодисаларининг турли сабаблари бор. Транспорт носозлиги, ҳайдовчиларнинг спиртли ичимлик истеъмол қилиши, эътиборсизлик, пиёдаларнинг йўл ҳаракати қонундавомидида 52 та жиноят очилди. Беруний тумани ИИБ йўл назорати хизмати кинолог-инспектори, милиция кичик сержанти К.Томашев ўргатилган ит ёрдамида фуқаро О.Рейи-мовнинг уйида тинтув ўтказганида, 116 грамм героин гиёҳвандлик моддаси борлиги аниқланди.

Ҳар бир автоҳалокат ортида инсон тақдири ётганини унуттишга ҳақимиз йўқ. Бу йилги таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, Қорақалпоғистонда йўл-транспорт ҳодисасидан одамларнинг жароҳатланиши, нобуд бўлиши ўтган йилга нисбатан камайишига эришилди. Аммо бизни Амударё, Беруний, Тўртқўл, Қораўзақ, Хўжайли, Чимбой, Эллиқалъа туманлари, Нукус ва Тахиятош шаҳарларида бу фактлар кўпайгани ташвишга соляпти.

Уш, бундай ҳодисаларнинг олдини олиш учун нима қилмоқ

даркор? Биз профилактик ишларни жонлантираёلمиз. Автокорхона, маҳалла ва ўқув юртларида учрашувлар, суҳбатлар ўтказаямиз. Оммавий ахборот воситаларидан кенг қўламда фойдаланаямиз. Мақталарда 17 соатли дастур бўйича йўл ҳаракати қоидалари фани ўқитилди.

Ўқитиш сифати текширилиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш борасидаги тақлифларимизни Қорақалпоғистон халқ таълими вазирлигига юбордик.

Қорақалпоғистонда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 27 февралдаги Фармойишига асосан 1-31 март кунлари «Ҳаракат хавфсизлиги» ойлиги ўтказилди. Дастлабки натижалар кутилганидек бўлмоқда. Йўл-транспорт ҳодисалари сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 31,6 фоизга камайган.

Бизнинг тилагимиз шу: сафарингиз беҳабар бўлсин. Ҳолис ният билан йўлга чиқинг. Ходимларимиз ҳаммаша Сизга хизмат қилишга тайёр.

П.КАЛИМБЕТОВ,  
Қорақалпоғистон Республикаси  
Ички ишлар вазирининг  
ўринбосари

● НАЗОРАТ

## КРЕДИТ МАБЛАҒЛАРИ ҚАЙТАРИЛИШИ ШАРТ

БУГУНГИ кунда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлишида банклар томонидан берилмаётган кредитнинг ўрни беқийёс. Ишнинг кўзини билган раҳбар берилган кредитни истиқболли режа асосида ишлатиб, ҳўжалигини оёққа турғизиб олади. Янги иш жойларини очиб, халққа сифатли, бозорбоп маҳсулот етказиб беради. Бироқ, айрим ҳўжалик раҳбарларининг кўзини билмаслиги оқибатида кредит маблағларини ўз вақтида қайтара олмай, ташкилотини банкротликка олиб келмоқда. Айримлари эса кредитларни бошқа мақсадда ишлатишяпти.

Жинда Хоразм вилоят прокуратураси идоралари томонидан, кредитлардан фойдаланиш, уларни ўз вақтида қайтариш юзасидан текширишлар ўтказилди. Аниқланишича, 2002 йилнинг биринчи чорагида ҳўжалик юритувчи субъектларга 3410 млн сўм кредит маблағлари берилган. Шу даврда вилоятдаги 19 та

ҳўжалик юритувчи субъект томонидан олинган кредит маблағларининг 93,6 млн сўми шартномаларда кўрсатилган муддатларда қайтарилмаганлиги аниқланди. Уларнинг баъзилари юзасидан банклар кредитни ундириш ва шартномани бекор қилиш ҳақида вилоят ҳўжалик судига даъво аризалари киритилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вилоятдаги айрим тижорат банкларининг кредит сўраб мурожаат қилган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг аризаларини кўриб чиқувчи комиссиялари томонидан кредит олувчиларнинг имкониятлари тўлиқ ўрганилмагандан кредит бериш ҳўлатларига йўл қўйилган.

Оқибатда кредит маблағлари ўз вақтида ёки тўла қайтарилмай, баъзан бошқа мақсадларда ишлатилган. Бу эса ўз навбатида банк маблағларининг камайишига ва тадбиркорликни янада ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Вилоят прокуратураси идорала-

ри томонидан мазкур қонунбузилиш ҳўлатлари юзасидан жорий йилнинг ўртиндаги даврида 19 та жиноят иши кўзатирилган.

Жумладан, вилоятимиздаги «Пахтабанк» акционерлик тижорат банкнинг Питнак бўлими бошқарувчиси лавозимида 1999 йилнинг май ойидан буён ишлаб келаётган Хўшнуд Ҳожиёв мансаб мавқеини сунистеъмол қилиб, банк бўлимида ҳисоб-рақамга эга бўлган «Дийдор бобо» фермер ҳўжалигига сохта ҳужжатлар расмийлаштириш орқали 1 йил муддатга 2 млн. сўм кредит ажратган.

Ажабланирлики, бу ҳақида фермернинг ўзи беҳабар бўлган. Ишни иши-жиммида битирмоқчи бўлган Х.Ҳожиёв сохта тўлов топшириқномалари орқали 657 минг сўм пулни «Ал-Кувончбек» хусусий фирмасига, 192 минг сўм пулни Тупроқалъа сувдан фойдаланиш корхонасига, 300 минг сўм пулни «Сўҳайл» хусусий фирмасига, 202 минг сўм пулни Питнак шаҳридаги «Аъзам» хусусий фирмасига ва 649

минг сўм пулни Ҳазорасп туманида яшовчи яққа тадбиркор Х.Бобо-жоновнинг бандаги ҳисоб-рақамига ўтказиб берган.

Қонун тили билан айтганда, ўзганинг 2 млн. сўмлик пул маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-тороғ этган.

Бундан ташқари, Х.Ҳожиёв бу билан қаноатланмаган ва жиноий ҳаракатларини давом эттириб, банк бўлимидан 2 млн. сўм кредит маблағи олиш учун мурожаат этган фуқаро А.Нурбардиевга билдирмагандан, унинг ўғли Г.Нурбардиевнинг номида бўлган «Қизилқум» оилавий деҳқон ҳўжалигига 600 минг сўм кредит ажратган, кейин шу пулни Бухоро шаҳрида яшовчи яққа тадбиркор Ё.Остоновнинг бандаги ҳисоб-рақамига ўтказиб берган.

Бу бир банк ходимининг ички «ўйин»лари. Аммо жиноят жазосиз қолмапти.

Ўтказилган текширишлар натижаларига кўра тегишли идораларга тақдимномалар киритилди,

қонунга зид ҳўқуқий ҳужжатни бекор қилиш ҳақида протест келтирилди ва 14 та жиноят иши кўзга-тилди.

Кредит шартномаларида кўрсатилган муддатларда қайтарилмасдан турган банк маблағларининг 26 млн. сўми прокуратура идораларининг аралашуви билан ундириб берилди.

Кредит маблағлари еб кетарга берилмаган пул эмас. У ўз вақтида қайтарилиши шарт. Бироқ айрим ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари «оларда жоним-жоним, берарда чиқар жоним», қабилда иш тутталапти.

Бу ишлари билан улар нафақат ўзлари, балки кредит берувчи банкларни ҳам боши берк кўчага бошламоқдалар.

Б.САРДОРОВ,  
Хоразм вилояти  
прокуратурасининг умумий  
назорат бўлими бошлиғи.  
Н.ОҚАЗАРОВ,  
«Хуқуқ» муҳбири

# «ХУҚУҚ»ий маслаҳатхона

САВОЛЛАРГА ХУҚУҚШУНОС Д. ХАЛИЛОВ ЖАВОБ БЕРДИ

## БОЛА ТАҚДИРИ НИМА БЎЛАДИ?

Агар аёл озодликдан маҳрум этилса, боласининг тақдири не кечади? Онаси озодликка чиққунига қадар бола кимнинг қарамоғида бўлади?

Зарифа ШАРИПОВА,  
Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани

**МАХКУМА** аёлларни сақлашга мўлжалланган колониялар қошида болалар уйи ташкил этилади, унда болалар нормал яшashi ва камол топиши учун зарур шароитлар таъминланади.

Бундай болалар уч ёшга тўлганидан кейин онасининг розилиги билан унинг қариндошларига ёки ҳомийлик ва васийлик органининг қарорига биноан, бошқа шахсларга берилиши ёхуд тегишли болалар муассасаларига юборилиши мумкин.

Агар маҳкумнинг жазони ўташ муддати тугашига қўли билан бир йил қолган ва у оналик бурчларини лозим даражада бажариб келган бўлса, муассаса маъмурияти боланинг болалар уйида бўлиш вақтини узайтириши мумкин. (**Жиноят-ижроия кодексининг 132-моддаси**)

## МУЛКА ЭГАЛИК ХУҚУҚИ КИМДА ҚОЛАДИ?

Мен 2001 йил 2 ноябрь кунини фуқаро Б.Раимовнинг 12000 (ун икки минг) сўмлик хизматидан фойдаланиб, пулим йўқлиги сабабли қўлимдаги қиймати 50000 (эгаллик минг) сўмлик соф қадимий тилло узукни гаров тарикасида бериб, токи пулни олиб борганимча кутишга келишдик. Нисоят 2001 йил январь ойида мен узукни олиш учун бордим, лекин Б.Раимов «узукни сотиб юбордим, менга пул керак бўлди», дея бир қанча баҳоналар қилди. Узукни тоғасига сотган экан.

Айтмоқчиманки, ўша узукни олишим мумкинми ёки сотилган бўлса қолган пулга эгаллик қила оламаним?

Ўлмасой ХОЛМУРОВА,  
Сурхондарё вилояти, Олтинсой тумани

**ГАРОВГА** қўйилган мулк гаровга қўйувчининг розилигисиз бошқа шахсга бериб юборилиши ёки сотилиши мумкин эмас. Агар гаров мулки сезининг розилигисиз билан ҳақ эвазига бошқа шахсга ўтган тақдирда (хуқуқий ворис) гаров хуқуқи ўз кучида қолади.

Фуқаролик кодексининг 279-моддасига мувофиқ, гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун индирувни қарздор ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш мумкин.

Агар гаров билан таъминланган мажбуриятнинг қарздор томонидан бузилиши аризмас бўлса ва гаровга олувчининг талаблари миқдори гаровга қўйилган мулк қийматига мутлақо мос келмаса, ўндирувни гаров мулкига қаратишни рад этиш мумкин.

Лекин, шунинг унутмаслик кераки, гаровга олувчининг талабини гаровга қўйилган мол-мулк қийматидан ундириш орқали қаноатлантириш, томонларнинг бу ҳақдаги нотарил тартибда тасдиқланган ўзаро келишуви билан ёки суд орқали бўлиши мумкин.

Агар гаровга олувчининг талабини қондириш гаров мулкини сотиш орқали амалга оширилса, лекин гаров мулкини сотишдан тушган сумма гаровга олувчи талаб қилган миқдордан ошиб кетса, фарқ гаровга қўйувчига қайтариб берилиши шарт.

## СОЛИҚ ҚАНДАЙ ҲИСОБЛАНАДИ?

Мен 2001 йилда уй-жой қуриш учун ер участкаси олиб уй қурдим ва 2001 йил январь ойидан Уйшун кишлоқ фуқаролар йиғинида мустақил хўжалик бўлиб рўйхатга олинди. Ҳозирге кунда маъзур ердан (экин учун 8 сотих, уй-жой учун 4 сотих) фойдаланиб келяяман. Шу йилнинг бошида эса Чироқчи туман солиқ инспекцияси ходими менга 2002 йил учун 12 сотихга ҳар бир квадрат метр учун ер солиқи ва уйим учун мол-мулк солиғи тўлашим кераклигини айтди. Саволим шундайки, мен ер солиғи ва мол-мулк солиғини қанондан бошлаб тўлашим керак?

Мен 4 сотих ердан мол-мулким, яъни иморат, йўлак ва бошқа мақсадларда фойдаланганим учун ҳам солиқ тўлашим керакми?

М.ЎРИНОВ,  
Қашқадарё вилояти  
Чироқчи тумани

**ЯНГИ** иморатлар, бинолар ва иншоотлар бўйича солиқ (мол-мулк солиғи) улар барпо этилган ёки олинган йилдан кейинги йилнинг бошдан эътиборан тўланади.

Якка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида берилган ерлар — ер участкаларига улар берилган пайтдан бошлаб яқин йил давомида солиқ солинади.

Якка тартибда уй-жой қуриш учун берилган ер участкасининг қанча майдонига уй-жой қуриш, қанчасидан йўлак ва қанчасидан экин майдони сифатида фойдаланишдан қатъий назар, солиқ эгаллик қилинаётган ер участкасининг бутун ҳудудига нисбатан таътиб этилади.

Бунда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, солиқ органлари томонидан ҳисоблаб чиқарилади.

Ер солиғи тўғрисидаги хабарнома ўтаётган йилнинг 1 майига қадар таътиб этилади ва бу бўйича тўлов маъзур йилнинг 1 ноябрга қадар тўланиши лозим.

## ● ТЕРГОВ ФАОЛИЯТИДАН

# ИДОРАВИЙ НАЗОРАТ БЎЛМАГАЧ...

## ЖИНОЯТГА ҚУЛАЙ «ЗАМИН» ВУЖУДГА КЕЛДИ

**ТЕКШИРИШ** якунида ҳиссадорлик жамиятида салкам бир ярим миллион сўмлик ёнилғи-мойлаш материаллари талон-торож этилгани аниқланиб, жиноят иши қўзғатилди. Андижон нефть маҳсулотлари корхонасидан «Ишончнома»лар билан олинган, бироқ «Асака автобус-такси саройи» ҳиссадорлик жамияти ёнилғи омборига кириш қилинмаган маҳсулотлар исзиз йўқолганди.

Эркинжон Сулаймонов автобус-такси саройида ГА3-52 русумли бензин ташувчи машинани ижарага олиб ишларди. 2000 йил апрель ойининг бошларида Андижон нефть маҳсулотлари корхонаси ёнида турганида автобус-такси саройи таъминот-чиси Баҳодиржон олдига келди.

— Дизел ёнилғиси оламиз, гаражга олиб борасан, — деди. Нефть корхонасига кириб, 2225 литр дизель ёнилғисини тўлдириб чиқганида таъминот-чи йигирма ёшлардаги нотаниш йигит билан тўрарди.

— Шу боланинг уйига олиб бориб тўқасан, — деди Баҳодиржон.

— Гаражни-ю, нега унинг уйига обораман? — деб эътироз билдирди Эркинжон.

— Экспедитор менман, ҳужжатлар менда. Бошлиқлар билдири бунди. Айтганимни қилмасанг, ишдан ҳайдаласан!

Эркинжон ижара машинадан айрилиб, ишсиз қолишдан қўчиб Баҳодирнинг айтганини бажарди...

— Исми, фамилиясини, уйини биласизми?

Терговчининг саволига «ҳа» деб жавоб берди.

— Исми Акмал, фамилиясини билмайман, Файзообод кишлоғида яшайди. Уйини эслаб қолганман. Соляркани ҳовлисиданги тўртбурчак темир идишга тўкиб берганман...

— 2000 йил баҳор ойларида Баҳодир ака билан танишганман, — деди ғувоҳ тарикасидан сўроқ қилинган Акмал Умаров. — Нефтьбазада ошпаз ўртоғим Азизбекнинг олдига борганимда Баҳодир ака келиб қолди. Экспедиторлигини айтганида 10 литр бензин сўрадим. «Бўлпти», деб куйдириб берди.

Шундан кейин салом-алиқ қилиб юрдик. Бир куни қарзга ўттиз минг сўм сўради. Икки кунда қайтариб бераман, деди. Лекин қайтариб бермади. Сўраб борсам, ўрнига солярка берай деди. Қишда уйни соляркада иситамиз. Акам Россияга юк олиб кетадиган бўлиб, унга ҳам

солярка керак эди. Шунинг учун рози бўлдим...

Таъминотчи Баҳодиржоннинг буйруғи билан «бензовоз» ҳайдовчиси Эркинжон 2225 литр дизель ёнилғисини Акмалнинг ҳовлисига олиб бориб, идишга тўкиб берди. Бунинг эвазига 6 минг сўм йўлқира олди. Таъминотчи Акмалга 80 минг сўмга сотган ёнилғининг 34 минг сўмини ҳамёнига уриб, 40 минг сўмини... автобус такси саройи ҳиссадорлик жамиятининг бош ҳисобчиси Зухриддин Абдумаликовга элтиб берди. Ёнилғини четга пуллаш «ғоя»си айнан бош ҳисобчидан чиққан, нафиси ҳақалак отиб турган таъминотчига корхона муҳри ва штампни босилган «Ишончнома»ни тутказган эди.

Иш мойдай силлиқ кўчгани, омборга етиб келмаган ёнилғини ҳеч ким суриштирмагани олғирларнинг тегирмонига сув куйди.

Бош ҳисобчи пул зарур бўлиб қолганида, таъминотчига «Ишончнома» берар, у эса ана шу ҳужжат билан нефть маҳсулотлари корхонасидан автомобиль мойи, дизел ёнилғиси, бензинни олиб, «харидор» топиб, нақд пулга сотар, фойдани ўртада «арра» қилишарди. Автобус-такси саройи маблағига олинаётган маҳсулотлар омборга етиб бормас, омбордан мой, ёнилғи ололмаган ҳайдовчилар ҳуноб бўлиб, бозордан, ёнилғи куйиш шахобчаларидан ўз пулларига олиб куйишарди. Бирон киши «нефтбазадан олинаётган мойлар, соляркалар қаёққа оқиб кетяпти» деб суриштирмас, бу мурасасозлик муҳити, «сен менга тегма, мен сенга тегмайман», ақидаси жиноят тобора газаклашига имконият тугдирарди.

Йил охиригача экспедитор билан бош ҳисобчи етти марта нефть маҳсулотлари корхонасидан олинган ёнилғи-мойлаш материалларини «бозорда» арзон-гаров сотиб, корхонада ишлайётган ҳиссадорларнинг ҳаққини ҳазм қилиб юборишди.

Корхоналарда йилда бир ҳужжатли тафтиш ўтказилади. Бирок 2000 йил бўйича тафтишда ҳам, харажатлар ва даромадлар, дивидендлар ҳисобида ҳам ёнилғи-мойлаш материаллари қанчамади лойқа сувга қўққан тошдай «кўринмади». Бош ҳисобчи Зухриддин Абдумаликовнинг бу борадаги «малакаси»га тан бериш керак.

Ҳужжатларни силлиқ юритиш борасида унинг калласи компь-

ютердай ишларди. Ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг бош ҳисобчи ноғорасига ўйнагани, йил мобайнида ёнилғи-мойлаш материаллари етишмовчилигининг сабаблари билан қизикмагани кишини ҳайратга солади.


Жиноят иши судга оширилиб, прокуратура киритган тақдимнома муҳокама қилинаётганида «корхонада шунча йил ишлаб, шу лавозимга тайинланган одамдан бунди кутмагандик», деб ёқа ушлашди.

Биров мушугини пишт деманган икки моддий жавобгар мансабдор шахс 2001 йилда ҳам жамоа мулкни талон-торож қилиб, ўзлаштириши давом эттиришди. Олти ой мобайнида тўққиз марта автобус-такси саройи учун олинган ёнилғи-мойлаш материалларини олиб сотарларга пуллаб, «семиришди». Бир ярим йил мобайнида Зухриддин Абдумаликов ва Баҳодир Комилжонов салкам бир ярим миллион сўмлик нефть маҳсулотларини ўзлаштиришга улгуришди.

«Хўжаобод мевалари» ихтисослашган фирмаси қошидаги савдо уйида бош ҳисобчи лавозимда ишлаган Қурбонали Қосимов билан «Хўжаобод консерва» ҳиссадорлик жамияти тайёр маҳсулотлар омбори мудирини Абдулхамид Абдулҳакимов ҳам ўзаро жиноий тил бириктириб, қалбаки ҳужжатлар билан ҳиссадорлик жамиятидан жуда кўп миқдорда тайёр маҳсулотларни олиб чиқиб, турли шахсларга сотиб, ўзлаштиришганди. Улар судланганидан бир йил ўтмай «Хўжаобод консерва» ҳиссадорлик жамиятида худди шундай жиноят бошқа шахслар томонидан такрорланди. Ҳозир ушбу жиноят бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ҳиссадорлик жамияти бошқарувларининг мол-мулк сақлашига парвойипалак муносабатлари, қолаверса, ҳиссадорларнинг ҳамон ўзини мулкдор деб ҳис қилмаётганлари, ўз улушлари бўлган мулкнинг талон-торож қилинишига мурасасозликлари юқоридаги каби жиноятларга сабаб бўлмоқда. Идоравий назорат, жамоат назоратини кучайтириш бу каби жиноятларнинг олдини олишга қўмақлашган бўлур эди.

Муроджон ИБРОҲИМОВ,  
Андижон вилоят прокуратураси  
бўлим бошлиғи



## ТИНЧЛИКПАРВАР КУЧЛАР НАЗОРАТИДА

**АФГОНИСТОНДАГИ** ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлаштираётганлиги мамлакатда тинчлик сари салмоқли кадам ташланаётганини кўрсатмоқда. Албатта, бу табиий. Зеро, узоқ йиллик бесамар уруш халққа тинчликнинг қадри нақадар баёбах эканлигини намоён этди. Афғонистон мавзуси бугун халқро ҳамжамят, оммавий ахборот воситаларидан бир қадар узоқлашган пайтда, мамлакатдаги бундай ички сокинлик ва осойишталик нима ҳисобига бўлапти? Гап шундаки, мамлакатда фаолият кўрсатаётган халқро тинчликпарвар кучлар Афғонистон ичидаги ўзаро қарама-қарши низоларни бартароф этиш, хавфсизликни таъминлаш каби кенг қўламли ишларни амалга ошироқдалар. Миллий муҳофаа тизимини шакллантириш борасида ҳам мамлакат муваққат ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган дастур асосида тadbирлар бажарилаяпти. Албатта, бу Афғонистонда тинчлик тўла қарор топди, дегани эмас. Ҳали ҳамон мамлакатнинг у ёки бу ҳудудидида ички низоларнинг «балжиб» турганлигини кузатиш мумкин. Бу эса ўз навбатида қуролли тўқнашуларни келтириб чиқараяпти, қурбонлар ҳақида ҳам маълумотлар олинмоқда.

Ўтган яшанба куни мамлакат шарқидида жойлашган Америка Қўшма Штатларининг махсус қисмларидан бири жангарилар томонидан ўққа тутилган. Содир этилган қуролли тўқнашу оқибатида бир нафар америкалик ҳарбий ҳалок бўлган. Айни пайтда ушбу ҳудудда экстремистик гуруҳларни аниқлаш ва қўлга олиш билан шуғулланувчи бир нечта халқро ҳарбий қисмлар фаолият кўрсатмоқда. Қўшма Штатлар махсус хизмати вакилининг айтишича, бундан буён ҳарбий назорат янада кучайтирилади, чунки беларволикка йўл қўйилса, ўтган йилги кузги воқеалар яна такрорланиши мумкин. Шунингдек, Афғонистондаги халқро тинчликпарвар кучлар таркибидидаги Австралия ҳарбийлари ҳам номьялум жангарилар томонидан ўққа тутилган.

Толибон ҳаракати раҳбари Мулла Умар ва биринчи рақамли террорчи Усама бен Ладеннинг тирик ёки ўлганлиги ҳақида ҳамон бир-бирига қарама-қарши хабарлар тарқатилмоқда. Саудия Арабистонидида чоп этиладиган «Аш-Шарқ ал-Авсат» газетаси муҳбирига интервью берган Мулла Умар: «Афғонистонда уруш энди бошланапти, унинг унжунлари ҳали Оқ уйгача етиб боради»,—деган. Маълумотларга қараганда, Собиж Толибон ҳукумати раҳбари билан суҳбат Афғонистоннинг тоғли ҳудудларидан бирида бўлиб ўтган. Мулла Умарнинг сўзларига қараганда, «Ал-Қоида» ташкилоти раҳбари Усама бен Ладен тирик. Шов-шув кетидан кувувчи айрим журналистларнинг мазкур мақоласи ҳаққонийлиги юзасидан АҚШ махсус хизмати вакиллари текширу ишларини бошлаганлар.

Яқунланган ҳафта охирида Бельгия ҳукумати вакиллари Европа Иттифоқи ўзининг тинчликпарвар кучларини Афғонистонга киритишга тайёр эканлигини билдирди. Лекин, Брюсселнинг бошқа иттифокдошлари мазкур баёноти тасдиқлашга шоишмаяптилар. Бельгия ташқи ишлар вазири Луи Мишелнинг айтишича, тинчликпарвар кучлар таркибидидаги ҳарбийлар сони ҳозирча 3-4 минг аскардан иборат бўлади ва бу ташаббус Европа Иттифоқи тарихидидаги энг катта бўрилишлардан биридир. Тинчликпарвар кучларни Буюк Британия ҳарбийлари бошқаради, шунингдек унинг таркибига Европа Иттифоқи давлатлари ҳарбийларидан ташқари Туркия ва Йордания аскарлари ҳам кирди. Халқро тинчликпарвар кучлар БМТ кузатиш остида фаолият кўрсатади.

Мамлакат муваққат ҳукумати Афғонистоннинг халқро ҳамкорлигини кенгайтириш борасида дадил қадамларни қўймоқда. Халқро ҳамжамят Афғонистоннинг ўтиш даври иқтисодиётига зарур микдорда моддий ёрдам кўрсатапти. Мамлакатда тиклаш жараёнини бошдан кечирмоқда. Бу ишлар эса ўз навбатида катта заҳмат талаб этади. Мамлакат келажаги ва унинг тақдирига дахлдор ҳар бир афғон тинчликпарвар қарор топтириш борасидида катта довлонларда йўқотишлар ҳам, тиклашлар ҳам бўлишини англаб етган.

Дилмурод ЭШМУРОДОВ

## САММИТГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Россия Ташқи ишлар вазири Игорь Иванов ва АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл 23-26 май кунлари ўтказилажак Россия-АҚШ саммитига тайёргарлик ишларидан мамнун эканликларини билдиришди.

Россия Ташқи ишлар вазириликнинг ахборот ва матбуот департаментидан хабар қилишларича, 18 май куни телефон орқали бўлиб ўтган мулоқотда томонлар давлат бошлиқлари учрашувида қабул қилиниши мўлжалланаётган деярли барча асосий ҳужжатлар маъқулланганини билдиришган.

Бундан ташқари, суҳбатда бир қатор минтақавий муаммолар ҳам муҳокама қилинган. Хусусан, олий мартабали вакиллар кейинги пайтларда Ҳиндистон ва Покистон ўртасидидаги муносабатлар кескинлашаётганидан хавотирда эканликларини билдиришган.

## ЯНА ЭПИДЕМИЯ

Жанубий Корея қишлоқ хўжалиги вазириги душанба куни чўчқалар орасида оқсил касаллиги тарқалганлиги тўғрисидаги яна бир хабарни тасдиқлади. Шундай қилиб, касаллик тарқалган фермалар сони 11 тага етди.

Вазирлик вакилининг сўзларига қўра, касаллик қайд этилган охириги ферма Суелдан 30 км жанубда жойлашган. «Биз вазиятни диққат билан кузатиб бормоқдамиз» — дейди у.

Касаллик тарқалишининг олдини олиш мақсадида Жанубий Корея ҳукумати 105 мингга яқин касалланган чўчка ва сигирларни йўқ қилиш тараддудини кўрмоқда.

## ОЙДА ХИТОЙ БАЗАСИ

Хитой 2010 йили Ойга ўзининг биринчи экспедициясини жўнатишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда душанба куни China Daily газетаси хабар тарқатган. Хабарда айтилишича, ўша йили хитойликлар Ойнинг ҳар иккала кутбига ўз базаларини ўрнатишди.

## ХАРИТАДА ЯНГИ ДАВЛАТ

Шарқий Тимор вақти билан 20 май куни ярим тунда Португалиянинг собиж мустамлакаси мустақил давлат деб эълон қилинди. Янги мамлакат пойтахти — Дили шаҳрида бўлиб ўтган тантанали маросимда БМТ байроғи туширилиб, миллий байроқ кўтарилган.

Тинч океанидаги Тимор оролининг яримини эгаллаган Шарқий Тимор уч асрдан зиёд вақт мобайнида Португалия мустамлакаси бўлиб келган, 1975 йили кўшни Индонезия томонидан босиб олинган, икки ярим йил аввал эса БМТ назорати остига ўтган эди.

## ҚИРОЛНИНГ АВТО МУЗЕЙИ

Йордания қироли Абдулла II яшанба куни марҳум отаси — қирол Ҳусайнга тегишли автомобиллар коллекцияси намойиш қилинувчи музейини тантанали равишда очди. Коллекция 1916-1999 йиллари ишлаб чиқарилган 60 та автомобилдан иборат. Улар орасида бир нечта автомобил-амфибия ҳам бор.

Янги музей мамлакат пойтахти — Аммон шаҳри чеккароғидидаги боғлардан бирида жойлашган.

## ЧЕГАРАДА НОТИНЧЛИК

Учинчи кундирки, Ҳиндистон билан Покистон ўртасидидаги чегарада отишмалар давом этмоқда. Томонлар бир-бирини айбламоқдалар. Чегарадаги вазият покистонлик экстремистлар Жамму шаҳри яқинидаги ҳинд ҳарбий базасига ҳужум қилгандан сўнг кескинлашган эди.

## ЕВРОПАДА ЭНГ ЮКСАК

Испаниянинг Аликанте шаҳри яқинидаги Бенидорм курортида Европадаги энг юксак — баландлиги 210 метр бўлган 52 қаватли меҳмонхона ишга тушди. «Бали» деб номланган мазкур меҳмонхона, шунингдек, Испанияда ҳам энг юксак иншоот бўлиб қолди. У шу пайтгача мамлакатда биринчи бўлиб турган Мадридадаги «Пикассо минораси»дан 53 метр баланддир. 776 та хона, 23 та тезкор лифт, бир нечта бассейн, гимнастика зали, сауналари, солярийлари (қуёш ваннаси қабул қилинадиган майдонча) бор, умумий майдони 19 минг кв.м. бўлган мазкур меҳмонхона денгиз соҳилидан атиги 300 метр узоқликда жойлашган.

«Бали» 14 йил мобайнида қурилди. Гап шундаки, уни қуришни зиммасига олган, тadbиркор Амбросио Пересга қарашли фирма кредит олишни рад этиб, қурилишни бошдан охир ўз маблағи ҳисобидан амалга оширди.

## САМОЛЁТ ҚУЛАБ ТУШДИ

Шанба куни Покистонда АҚШ ҳарбий ҳаво кучларига қарашли, учувчисиз бошқарилувчи «Предатор» жосус-самолёт қулаб тушди. Унинг бўлаклари Жекобобод шаҳридан 24 км узоқликдаги Карим Бахш қишлоғи яқинидан топилган. Америкалик ҳарбийлар ҳозир воқеа сабабини ўрганишяпти. Пентагон матбуот котибининг сўзларига қўра, «Предатор» топшириқни бажариб қайтаётганда ҳалокатга учраган.

## ИСЛОҲОТ ЧОРРАҲЛАРИДА

## МИЖОЗЛАР ХИЗМАТДАН МАМНУН

Қонунлар, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари юртимизда кичик ва ўрта бизнес, тadbиркорлик, деҳқон-фермер хўжалиқлари ривожининг кенг уфқларини очиб берди. Кичик қорхона ёки цех очиш, ер олиб деҳқончилик, боғдорчилик ёки чорвачилик билан шуғулланишга орзу-манд фуқаролар тобора кўпайиб бормоқда. Ҳар қандай иш ташкилотчилик қобилияти билан бирга муайян сармоғини тақозо этади.

Шу боис янги иш бошлаётган тadbиркорларга қонунларда имтиёзли кредитлар ажратилиши кўзда тутилган. Кредит ажратишда сансалорликларга йўл қўйилаётгани, айрим ҳолларда прокуратура аралашуви билангина миждозларнинг ҳуқуқлари тикланаётгани каби ҳолатлар, афсуски, учраб турибди. Бирок қонунларга биноан иш тутаётган, миждозларга давр талаблари даражасида хизмат кўрсатаётган банклар ҳам оз эмас. «Фаллабанк»нинг Фарғона худудий филиали ана шундай банклар сирасидандир.


— Фермер хўжалигимиз Низомини ҳокимликда тасдиқлатиб, рўйхатдан ўтказиб, иш бошлашга келганда, маблағ топа олмай бошим қотди, — дейди ушбу банк миждози, Охунбобоев туманидаги «Оила» фермер хўжалиги раҳбари Абдуқодир Исоқов. — Биланларнинг маслаҳати билан банкка қарз сўраб бордим. Ҳеч қандай гап-сўзсиз аризамани қабул қилишиб, ҳужжатларимни банк ходимларининг ўзлари тайёрлаб, ўтган йил апрель ойида 3 миллион сўм имтиёзли кредит ажратиб беришди. Ишим юришиб, даромадим қарзни физи билан тўлашдан ташқари қорамоллар сонини кўпайтиришга ҳам етиб ортапти. Менга ушаганларни қўллаётганлар барака топсин...

«Фаллабанк»нинг Фарғона филиали 2000 йилда ўрта ва кичик бизнес намояндаларига 227 миллион сўм, 2001 йилда эса 541 миллион сўм ёхуд аввалги йилга нисбатан қарий бир ярим баравар кўп кредит ажратиб берди. Кредитларнинг 50 фоизи чорвачиликни, 30 фоизи савдо фаолиятини, 20 фоизи ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва ривожлантиришга йўналтирилди. Шу билан бирга банк филиалида Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 май кунги қарори асосида имтиёзли кредит махсус жамғармаси ташкил қилиниб, кичик ва ўрта бизнес, деҳқон ва фермер хўжалиқларига ҳавола этилмоқда.

— Тadbиркор, деҳқон ва фермерларга 44 та, салкам эллик миллион сўмлик имтиёзли кредитлар бердик, — дейди «Фаллабанк» Республика акционерлик тижорат банки Фарғона минтақавий филиалининг бошқарувчиси Холматилло Иброҳимов. — Бизнес-фонд маблағлари ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадини кўзлаб 13 миждозга 44 миллион сўм кредит ажратдик. «Нуриқор», «Нозигуле», «Обид ҳожи», «Қашкар» фермер хўжалиқлари чорвачиликни ривожлантиришга йиллик 4 фоиз устама билан кредит олишди...

Миждозлар банкка эмас, банк миждозларга хизмат қилади. «Фаллабанк»нинг Фарғона филиали ана шу қоида асосида иш юритаяпти. Миждозлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини, банк хизмати қонун-қоидаларини билиб олишлари учун «Тadbиркорлар бурчаги» ташкил этилган. Бу ерда банкнинг кунлик молиявий аҳволи ҳақида тўлиқ маълумот олиш мумкин. Банк филиали ходимларининг юқори савиядаги хизматлари тобора кўпроқ миждозларни ўзига жалб этмоқда.

И. ИБРОҲИМОВ,  
«Хуқуқ» муҳбири



● ХУҚУҚИЙ МАТБУОТИМИЗГА БИР НАЗАР

# БЕШИНЧИ ДОВОН

Сурхондарё вилоят прокуратураси нашри — «Адолат тарозиси» чоп этила бошланганига беш йил тўлди. Шу муносабат билан мухбиримиз газета бош муҳаррири Жуманазар АНОРОВ билан мулоқотда бўлди.

— Таъбир жоиз бўлса, «Адолат тарозиси» вилоят прокуратураси ва сиз бошлиқ кичик журналистлар гуруҳининг савб-ҳаракатлари туфайли дунёга келган. Вилоят миқёсидаги газетани ташкил этиш осон бўлмагандир?

— Албатта, ҳар бир катта ишнинг ўзига яраша қийинчиликлари бўлиши табиий. Биз ҳам бундай муаммоларни четлаб ўтганимиз йўқ. Дастлаб вилоятда чоп этилаётган «Тадбиркор» газетасида худди шундай умумий сарлавҳа остида ҳар ойда бир марта махсус саҳифа бериб борилди. Буни қарангки, саҳифада эълон қилинган мақолалар кўпчилигида қизиқиш уйғотди. Шундан сўнг вилоят прокуратураси раҳбарияти ҳуқуқий тарғиботни янада яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини ошириш, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этишга муносиб улуш қўшиш мақсадида алоҳида газета ташкил этишни лозим топди.

1997 йил бошиданок ана шу эзгу ниятни амалга ошириш ҳаракати тушди. Ушунда ҳатто иш кабинетимиз ҳам йўқ эди. Бироқ шундай шароитда ҳам январь ойи ўрталарига бориб нашримизнинг нишона сонини чиқаришга мувофақ бўлди. Уша йили газетамиз бир ярим минг нусхада чоп этилар эди. Кейинги йилга келиб эса муштарийлар сони беш мингдан ошиб кетди.

— Эндиликда газета вилоятдаги энг оммавий нашрлардан бирига айланган.

— Илқ фикр учун, раҳмат. Биз ҳам имкон қадар шунга ҳаракат қиляпмиз. Биласиз, газетанинг қизиқарли ва сермазмун чиқиши кўпроқ ижодий ходимларнинг малакасига боғлиқ. Бу борада биз нолимасак ҳам бўлади. Ҳозирги пайтда таҳририятимизда Азизали Алибоев, Қўлмурод Олтибоев, Урол Абраев сингари моҳир қаламкашлар фаолият кўрсатишапти.

Газетамизга мунтазам равишда хабар ва мақолалар йўллаб турадиган жамоатчи мухбирларимиз ҳам анчагина. Тошбури Шониезов, Очилди Ойназаров, Бахтиёр Тиллаевлар шулар жумласидандир.

Умуман, муштарийлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Таҳририятимизга келаётган биронта ҳам хат-хабар ёки шикоят-ариза эътибордан четда қолдирилмайди.

Муштарийларга манзур бўлиши учун газетамизнинг техник безатилиши ва сифатли чоп этилишига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда компьютер, сканер ва лазер принтердан самарали фойдаланяпмиз.

Вилоят бошмахонаси талабга жавоб бермайди. Усуналари эскириб қолган. Газетамизнинг бир неча сонини шу ерда чиқариб, бунга ишонч ҳосил қилдик. Шу сабабли газетамизни Денов бошмахонасида чоп эттириб келаяпмиз. Масофа узоқ - юз эллик чакирим. Аммо бошқа илож йўқ. Негаки муштарийлар талаби билан ҳисоблашмоқ керак.

Ҳозирги пайтда газетамизда Термиз транспорт прокуратураси, Термиз ҳарбий прокуратураси фаолиятга бағишланган махсус саҳифалар бериб борилмоқда. Хуллас, вилоятимиздаги тармоқ прокуратура идоралари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган.

— Жамоа яна бир катта ишга бел боғлабди. Бу йил газетани муштарийлар қўлига етказишни ҳам ўз зиммаларингизга оlibсизлар. Ахир, бунинг масъулияти катта-ку? Таҳририятнинг бундай йўл танлашига нима тўртки бўлди?

— Биз шу пайтгача фақат газета чиқариш билан шуғулланардик. Уни тарқатиш эса почтанинг вазифаси эди. Бу ҳақда тегишли шартнома тузиларди. Шу тариқа улар обунадан бизнинг ҳисоб рақамимизга тушадиган маблағга ҳам шерик бўлишарди. Шунга қарамаздан бошимиз таъна-дашномалардан чиқмасди. Қарғга борсак одамлар «Нега пул тўлаб, газетани ололмаймиз?» деб биздан сўрашарди. Текшириб кўрсак, улар ҳақ бўлиб чиқарди. Хуллас бу ҳақда ўзингиз жиддий бош қотиришга мажбур бўлдик.

Жамоа билан маслаҳатлашиб, охири почта хизматидан воз кечишга қарор қилдик. Чунки газета чиқаргандан кейин уни муштарийлар қўлига етиб бориши учун ҳам масъулиятни таҳририятлар ўз зиммасига олгани мақул. Ушундагина ишонччи оқлаган бўламиз. Обуначилар сони кўпаяпти.

Газетани тарқатиш бўйича ҳар бир туманга жамоаамимиздан масъул ходим тайинланган. Қўллаб-қамқоғачи тарқатувчилар жалб этилган.

Эндиликда газетамиз ҳар бир ташкилотга, ҳар бир муштарийнинг қўлига ўз вақтида етказиб берилмоқда. Ҳатто уларга бу ҳақда имзо қўйдириб олинаётди. Шундан кейингина тарқатилган ҳар бир газета учун 50 сўмдан ҳақ тўланади. Почта идоралари худди шу хизмати учун 100 сўмдан оларди. Айни пайтда газетамиз қарийб 6000 нусхада босилмоқда. Энди ўзингиз ҳисоблаб кўринг, ана шу янгилик туфайли қанча маблағ тежаб қолинапти. Лекин ўйлашми, газета муштарийларга ўз вақтида етказиб берилётгани энг катта ютуғимиздир.

Кези келганда, бир гапни алоҳида таъкидлашни хоҳлардим: таҳририятимиз жамоаси ҳар доим вилоят ва туман прокуратура органлари раҳбариятининг ёрдамини ҳис этиб турибди. Бу эса бизни янада самарали ишлашга ундайди.

Сўхбатдош: Курбон ЖУРАНАЗАРОВ

## ЎТГАНЛАРИНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Республика Бош прокурори Рашитжон Қодировга отаси

**ҲАМИТ** отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Qonun himoyasida» бирлашган таҳририяти жамоаси Республика Бош прокурори Рашитжон Қодировга падари бузруквори

**ҲАМИТ** отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Энига:** 5. Амур дарёси худудларида яшовчи элат. 7. Сариёғ эритилганда ҳосил бўладиган қуйка. 9. Подшоҳнинг қизи. 13. Баъзи ўсимликлардан олинадиган, диний маросимларда тутатиладиган хушбўй смола. 14. Қадимги дунё қулдорлик давлати. 15. Манфий зарядланган электрод. 17. Ҳам сигарет, ҳам орол, ҳам мотоцикл. 18. Донишманд, зехни ўткир, ақлли. 20. Рус бастакори ва кимёгари. 22. Франциядаги шаҳар. 25. Одинанинг туғилган куни. 26. Тутган ерини кесади. 29. Енгил оёқатланадиган емаюхона. 31. Болгариядаги шаҳар. 33. Болаларнинг сеvimли «ёмағи». 37. Пардақанотлилар туркумига мансуб ҳашорат. 38. Совуғ тагидан қийиладиган махсус нимча. 39. Ҳар бир мусулмоннинг орау қиладиган жойи. 40. Худо хоҳласа. 43. Вақт ўлчов бирлиги. 44. Америка сувсари. 46. Ипак ўрама белбоғ. 47. Пардозда қўлланиладиган ўсимлик суви. 54. Ҳиндларнинг мулла - имомни. 56. Гўзаллик тури. 59. Кайф-сафо. 60. Қадимда сиёҳни қуритишда ишлатиладиган жисм. 61. Ҳиндларда кўп учрайдиган исм. 62. Астар билан авра орасига қўйиладиган сермомиқ мато. 63. Похол ёки кўгадан эшилган арқон. 64. Исо пайғамбарнинг лақаби. 65. Абдулла Қаҳҳор асари. 66. Катта бўғма илон.

**Бўйига:** 1. Кийимнинг қайтарилган жойи. 2. Дани-

ялик Хальтер Нильсон ихтиро қилган спорт ўйини. 3. Қийма ёки эзилган слёдкадан картошка қўшиб тайёрланган овқат. 4. Япон самурайларининг ўз қорнини чавақлаб жонига қасд қилиши. 6. Сафардаги ҳамроҳ. 8. Яҳудий руҳонийси. 10. Тошқумир смоласидан олинадиган рангсиз, ёнувчи суюқлик. 11. Америкаликларнинг лақаби. 12. Кўёшга парвоз қилган эртак қаҳрамони. 16. Ҳаёт бахш этадиган суюқлик. 19. Овоз, товуш, сас. 21. Ислонинг 5 фарзидан бири. 22. Аслаҳа, қурол. 23. Шаронга қараб киефасини ўзгартирадиган калтакесак. 24. Айқчасимон юмшоқ ўйинчоқ. 27. Венеция қайиқчиларининг қўшиғи. 28. Олма нави. 30. Италия эмани. 32. Никоҳ дуоси. 34. Катта қўламда амалга оширилаётган. 35. АҚШдаги штат. 36. Шаҳар транспорти тури. 41. Тутлагинг «шоҳи». 42. Филиппин архипелагидаги энг катта орол. 45. Подшоҳнинг қотили. 48. Хўжайиннинг ўғли. 49. Қалъа бошлиғи. 50. Юнон ва римликларда барча худдоларга атаб қурилган ибодатхона. 51. Қурол тури. 52. Ўзбекистондаги шаҳар. 53. Товуқсимон парранда. 54. Рақсда оёқ ҳаракати. 55. Эрон ахборот агентлиги. 57. Кўрпанинг мағизи. 58. Самолёт тури.

**Тузувчи:** Тожиали УМАРОВ

## ГАЗЕТАНИНГ ЎТГАН СЕНИДА БЕРИЛГАН КРОССВОРД ЖАВОБЛАРИ:

Бўйига: 1. Ростбиф. 2. Ибора. 3. Долчин. 4. Мадина. 5. Раунд. 6. Айналар. 11. Сольдо. 12. Минора. 13. Домино. 14. Афшопа. 17. Магнето. 19. Сумалах. 20. Каклик. 21. Комета. 22. Мазут. 24. Манти. Энига: 1. Рафинад. 4. Матрона. 7. «Илиада» 8. Тиара. 9. Энага. 10. Вигонь. 15. Флорин. 16. Рокфор. 17. Мадера. 18. Ананас. 23. Чақмоқ. 25. Насаф. 26. Банда. 27. Флюгер. 28. Отатурк. 29. Арпишок.

## ● АНА ХОЛОС


### ХАКЕРЛАР ТАНЛОВИ

Испанияда тарихда биринчи мартаба хакерлар турнири ўтказиладиган бўлди. Шундай йил билан испан хакерларига очилмасига бу борада ўз маҳоратларини намойиш этишлари учун илк бор расман имконият яратилди. Мусобақанинг совирилли ўринларини эгаллаган компьютер қароқчилари қимматбаҳо совгалар билан тақдирланадилар.

Мамлакатда чоп этиладиган нашрлардан бирида тарқатилган хабарга кўра, турнирда иштирок этиш истагини билдирганлар сони ҳозирги кунга қадар 5 минг кишидан ортиб кетган ва уларнинг 45 нафари юқори маҳоратга эга хакер сифатида эътироф этилади.

Мусобақа 10 босқичдан иборат. Биринчи босқичдаги масалани компьютерда ишлаш малакаси унчалик юқори бўлмаган иштирокчи ҳам ундай олса, охириги — 10 шарт эса манамен деган хакерни ҳам анча-мунча «терлатиши» мумкин.

Шуниси қизиқи, турнир Испания интернет-хавфсизлиги институти томонидан ташкиллаштирилган. Ушбу институт шу пайтгача интернет тармоғидаги ахборотлар хавфсизлигини таъминловчи тизимлар бўйича бир неча бор нуфузли танловлар ўтказган эди.



Тулпорлар